



Фойда солиғи бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш

и.ф.д., проф. Курбанов Зият

Тошкент давлат иқтисодий университетини

ORCID: 0009-0009-2147-0654

Аннотация. Ушбу мақолада фойда солиғи бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, фойда солиғининг бухгалтерия ҳисоби амалий маълумотлар асосида келтирилган.

Калит сўзлар: солиқ, фойда солиғи, бухгалтерия ҳисоби, стандарт, МҲХС.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА НАЛОГА НА ПРИБЫЛЬ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

д.э.н., проф. Курбанов Зият

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования учета налога на прибыль на основе международных стандартов финансовой отчетности. Также на основе практической информации представлен учет налога на прибыль.

Ключевые слова: налог, налог на прибыль, бухгалтерский учет, стандарт, МСФО.

IMPROVEMENT OF PROFIT TAX ACCOUNTING BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING

DSc, prof. Kurbanov Ziyat

Tashkent State University of Economics

Abstract. This article covers the issues of improving profit tax accounting based on international standards of financial reporting. Also, the accounting of profit tax is presented on the basis of practical information.

Keywords: tax, profit tax, accounting, standard, MHXS.

Кириш.

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида фойда солиғи жорий қилинган. Хусусан, ҳозирги вақтда дунёнинг 218 та мамлакатидида фойда солиғи ундирилади. Фойда солиғи ставкаси ушбу мамлакатларнинг 44 тасида 0-10 фоизгача, 50 тасида 10-20 фоизгача, 111 тасида 20-30 фоизгача, 26 тасида 30-40 фоизгача, 2 тасида 45-55 фоизгача этиб белгиланган.

Фойда солиғи тушуми дунё ЯИМда 26,3 фоизини, солиқли даромадларнинг 33,0 фоизини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, “фойда солиғи дунё мамлакатлари бўйича бюджет даромадлари шакллантирадиган асосий солиқлар туридан бири бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади” [Asen, E. 2019].

Халқаро амалиётда фойда солиғининг бухгалтерия ҳисобини юритишда бир нечта МҲХСлардан фойдаланилади. Жумладан, БҲХС (IAS) 2–“Товар–моддий захиралар”, МҲХС (IFRS) 5–“Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар”, БҲХС (IAS) 7–“Пул маблағлар харакати тўғрисидаги ҳисобот”, БҲХС (IAS) 8–“Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”, БҲХС (IAS)–12 “Фойда солиқлари”, МҲХС (IFRS) 13–“Ҳаққоний қийматни баҳолаш”, БҲХС 15–сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум”, БҲХС (IAS) 16–“Мулк (ер), бино, машина ва асбоб–ускуналар”, БҲХС (IAS) 17–“Ижара”, БҲХС (IAS) 19–“Ходимларнинг даромадлари”, БҲХС (IAS) 28–“Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” каби стандартлардаги меъёрлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Адабиётлар шарҳи.

Гончаренконинг (2019) фикрича “юридик шахслардан олинган фойда солиғи анча муҳим фискал роль ўйнайди, лекин шу билан бирга у иқтисодий ва ижтимоий соҳага нисбатан муҳим тартибга солиш салоҳиятига эга”.

Пансков (2019) “Ташкилот томонидан олинган фойда давлат, ташкилот эгалари ва ташкилотнинг ўзи ўртасида тақсимланади. Давлат ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга келсак, улар фойдани солиққа тортиш асосида қурилади, бунда солиққа тортиладиган фойданинг ўзи солиқ ҳисоби маълумотлари асосида ҳисобланади”.

Ильин (2021) талқинича: “Фойда солиғи давлатнинг молиявий жараёнларининг ривожланишига фаол таъсир кўрсатиши мумкин бўлган солиқлардан биридир”.

Блокнинг (2021) таъкидлашича, “юридик шахслардан олинган даромад солиғи тадбиркорлик фаолиятининг миқдори ва турига таъсир қилади, бу эса ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир қилади. Эмпирик далиллар шуни кўрсатадики, юқори корпоратив даромад солиғи ставкалари бизнес зичлиги ва тадбиркорликка кириш ставкаларини камайтиради ва янги фирмаларнинг капитал ҳажмини оширади”.

Ризаев (2022) Ўзбекистонда айни вақтда МҲХС жорий этиб борилиши билан МҲХС бўйича ҳисобот ва солиқ тизими ўртасида низолар бўлиши аниқ. Шу сабабли МҲХС бўйича ҳисоб юритишга ўтишда, молиявий ҳисобни юритиш учун МҲХС нормаларидан фойдаланиш қоидаларини ва кўпгина йўриқномаларни чиқариш керак бўлади. Жумладан, фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашнинг молиявий ҳисобини солиқ кодексига уйғунлашган ҳолда, шу билан бирга бизнес эгалари ва инвесторлари учун фойдали қурилишдаги тартибни ишлаб чиқиш энг долзарб масалалар қаторига кирилади.

Пўлатов ва Абдугаппаровлар (2022) МҲХС ўтишнинг фойда солиғига таъсирини қуйидагича ифодалайди: Фойда солиғи ҳисобига оид молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲХС) мамлакатлар миллий иқтисодий ҳисоботида қўллашганилиши ўзига хос вазибаларни амалга оширишни ва ёндашувларни талаб этади. Ушбу стандартнинг мақсади фойда солиғини ҳисобга олиш тартибни белгилашдан иборатдир.

Пашаходжаеванинг (2023) фикрича, Республикамизда фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш ва улар талабларидан келиб чиқиб, фойда солиғига доир ҳисоб-китобларни ҳисоб ва ҳисоботда акс тартибларини такомиллаштириш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Чоп этилган ишларда фойда солиғи кўрсаткичларининг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган, жумладан улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботда ахборотларни тизимли шакллантириш масалалари етарли даражада тадқиқ

қилинмагани, илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга моликлиги фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш масалаларини чуқур тадқиқ қилишни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтиш фойдани солиққа тортиш механизмига ва солиқ ҳисоботларини тузиш қоидаларига таъсир кўрсатади. Шу ўринда Ташназаровнинг (2019) қуйидаги фикрини келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тараққий этиш қонуниятларини ўрганиш асосида муҳим хулосани чиқариш мумкин, агар 1494 йили “иккиёқлама ёзув” асосида ҳисоб ғояси яратилган бўлса, 1973 йили бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари яратилиши билан молиявий ҳисоботни халқаро интеграциялашуви бошланган бўлса, 2030 йилларга бориб молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида тўлиқ халқаро гармонизацияси ва бир хиллигига эришилади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида фойда солиғи бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, таққослаш, тизимли ёндашув усулларида фойдаланилган. Мавзу бўйича мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида тегишли хулосалар қилинган ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш учун асос бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори ҳисобланади.¹²⁰

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ўтган корхоналарда солиқ ҳисоботларини тузишда қандай меъёрий ҳужжатлардан ва манбалардан фойдаланиш масаласига аниқлик киритиш муҳимдир.

Фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклини тўлдиришда солиқ солиш мақсадларида ҳисоб юритилиши бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосланади.

Фойда солиғи ҳисоботини тузишда фойдаланинадиган МҲХС ва ахборот манбалари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, фойда солиғи ҳисоботини шакллантиришда бир қанча МҲХСларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Каримов ва бошқалар (2020) фойда солиғи базасини аниқлашда МҲХС 10 “Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар”, БҲХС 18 “Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад”, БҲХС 38 “Номоддий активлар” каби стандартлардан ҳам фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади. Жорий ва муддати узайтирилган солиқ даромад ва харажат сифатида тан олиниши керак ва давр фойдаси ёки зарари таркибида ҳисобга олиниши керак, агар бу солиқ қуйидагилар натижасида юзага келган бўлмаса: - айнан шу ёки бошқа даврда фойда ёки зарарда эмас, балки бошқа умумлашган даромадда ёки тўғридан-тўғри капиталнинг ўзида тан олинadиган операция ёки бошқа ҳодиса; ёки бизнес бирлашуви (МҲХС 10 “Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар”га мувофиқ ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлари фойда ёки зарарда ҳисобга олиниши талаб этиладиган шуъба тадбиркорлик субъектининг инвестицион тадбиркорлик субъекти томонидан сотиб олиниши ҳолатларидан ташқари).

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24- февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4611-сонли қарори.

1-жадвал

МҲХС бўйича фойда солиғи ҳисоботи шаклининг асосий тавсифлари

Солиқ ҳисоботи шакли	МҲХСга ўтган юридик шахсларнинг алоҳида жами даромади тўғрисида маълумотлар (2-сонли шакл)
«Стандартлаштирилган» шакл	МҲХС бўйича жами даромад тўғрисида (фойда ёки зарар ва бошқа жами даромад тўғрисида) алоҳида (консолидациялашмаган) ҳисобот
Шаклни тайёрлаш учун МҲХС бўйича қандай маълумотлар зарур	МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари; МҲХС бўйича жами даромад тўғрисида алоҳида ҳисобот; зарурат бўлганда МҲХС бўйича алоҳида молиявий ҳисоботга изоҳдан маълумотлар
МҲХСга ўтишда уларнинг ҳисоби аҳамиятли ўзгарадиган ва алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган шакл моддалари	Соф тушум - бажариладиган мажбуриятларни баҳолаш, тан олиш даврлари, экспорт контрактлари (МҲХС (IFRS) 15, МҲХС (IAS) 21); Реализация қилинган маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)нинг таннархи - таснифи, нормал ишлаб чиқариш қуввати, қадрсизланиш, шартнома тузиш харажатлари, ҳуқуқлардан фойдаланиш шаклида активлар амортизацияси (МҲХС (IAS) 2, МҲХС (IFRS) 15, МҲХС (IFRS) 16); Бошқа харажатлар - таснифи (МҲХС (IAS) 2); Қадрсизланишдан кўрилган зарарлар/ зарарларни тиклаш - (МҲХС (IFRS) 9, МҲХС (IAS) 36); Курс фарқидан олинган фойда ва кўрилган зарар - бўнақлар бўйича курс фарқи истисноси (МҲХС (IAS) 21); Фоизлар тарзидаги харажатлар - эффектив фоиз ставкаси, ижара бўйича фоиз харажатлари (МҲХС (IFRS) 9, МҲХС (IFRS) 16); Фойда солиғи - кечиктирилган солиқ бўйича харажатлар (даромадлар) (МҲХС (IAS) 12); Бошқа жами даромадлар - молиявий инструментларнинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш, тақдим этиш валютасида қайта ҳисоблаш бўйича курс фарқи (МҲХС (IFRS) 9, МҲХС (IAS) 21)
Шаклда назарда тутилган ҳисобот саналари	Иккита ҳисобот даври (йили). 2023 йилги ҳисобот учун бу қуйидагилар бўлади: 2022 йил; 2023 йил

Аксарият муддати узайтирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари даромад ёки харажат бир даврнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдасида ҳисобга олиниб, бошқа даврнинг солиқ солинадиган фойдасига (солиқ зарарига) киритилганида пайдо бўлади. Натижада юзага келадиган муддати узайтирилган солиқ фойда ёки зарарда ҳисобга олинади. Бунга мисоллар: - фоизлар, роялти ёки дивидендлар кўринишидаги даромадлар улар олиниши лозим бўлган пайтда бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдага БҲХС 18 “Одаидаги фаолиятдан олинадиган даромад”га мувофиқ вақтга мутаносиб равишда киритилади, лекин солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) касса усулида киритилади; - номоддий активлар бўйича харажатлар БҲХС 38 га мувофиқ капиталлаштирилади ва фойда ва зарарга амортизация сифатида олиб борилади, лекин солиқ мақсадларида бу харажатлар улар пайдо бўлганида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланади.

“BUKHARA ECO PAPER” МЧЖ 2023 йилда қуйидаги солиқларни бюджетга тўлаган 2-жадвалга қаранг.

2-жадвал

**"BUKHARA ECO PAPER" MAS'ULIYATI SHEKLANGAN JAMIYATning 2023
ТАҲЛИЛИ йил учун БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАРИнинг сўм**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади	Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	280	227 231,00	207 489,00
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	290	59 541,00	58 901,00
шу жумладан: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар	291	496,00	418,00
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	300		
Қўшилган қиймат солиғи	310	958 255,00	907 229,00
Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари	440	59 541,00	58 901,00
Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатргача 291 сатрдан ташқари)	480	1 304 568,00	1 232 520,00

2023 йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 280 227 231 минг сўм, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 290 59 541 минг сўм, қўшилган қиймат солиғи 310 958 255 минг сўм, ижтимоий солиқ 59 541 минг сўм, жами бюджетга 1 304 568 минг сўм солиқ ҳисобланган ва бюджетга 1 232 520 минг сўм солиқ тўланган.

Фойда солиғини асосий солиққа тортиш манбаи бўлиб товарларни (ишларни, хизматларни) реализациясидан олинган даромадлар ҳисобланади. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажмларини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахсларнинг товарларни реализация қилишдан олинадиган ёки олиниши лозим бўлган даромадлари унинг жами даромадларини аниқлашда ҳисобга олиниши зарур. Бунинг учун корхонанинг бухгалтерия ҳисоби счётлари маълумотлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

“Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад” ва “бирламчи ҳужжатлар”, жумладан солиқни ҳисобга олишга доир ҳужжатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 46-моддасида тушунтирилган: “Товарларга бўлган мулк ҳуқуқини ҳақ олиш асосида ўтказиш ёки ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш, шу жумладан қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларини бажармаганда гаровга қўйилган товарларни айирбошлаш ва ўтказиш товарларни ёки хизматларни реализация қилиш деб эътироф этилади”¹²¹.

Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад электрон ҳисобварақа фактураларга асосан аниқланади. Фойда солиғи мақсадлари учун, агар товарларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган ёки хизматлар кўрсатилган ва ушбу ҳолат ЭҲФ билан тасдиқланган бўлса - ташкилот БҲМС ёки МҲХС асосида молиявий ҳисобот тайёрлашидан қатъи назар даромад сифатида тан олинади.

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 46-моддаси. 2023.

МХХС 15-сон «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум» стандартига мувофиқ тушум - бу ташкилотнинг одатий фаолияти давомида юзага келадиган даромад¹²².

Умумбелгиланган солиқ тўловчи корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида фойда солиғини тўлаш билан боғлиқ операциялар 3-жадвалдаги тарзда акс эттирилади:

3-жадвал

**Корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида фойда солиғини тўлаш
билан боғлиқ операциялар¹²³**

Хўжалик операциясининг мазмуни	ДЕБЕТ	КРЕДИТ
Бюджетга тўланган бўнак тўловлар суммасига	4410-"Бюджетга фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари"	5110 - "Ҳисоб-китоб счёти"
Ҳисобот даври учун ҳисобланган фойда солиғини суммасига	9810 "Фойда солиғи бўйича харажатлар" счёти	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик" счёти
Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлар ҳисобга олинди	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик"	4410-"Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари"
Фойда солиғини тўлаб берилди	6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик"	5110 "Ҳисоб-китоб счёти"

"BUKHARA ECO PAPER"МЧЖ 2023 йил учун фойда солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ дан фойдаланган ҳолда фойда солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш бўйича бухгалтерия ёзувларини келтириб ўтамиз (3.4-жадвал):

Ҳисобот йилида фойда солиғи бўйича тўланган бўнак суммасига:

Дебет –4410-"Бюджетга фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари" 148 950 000 сўм
Кредит –5110 - "Ҳисоб-китоб счёти" 148 950 000 сўм

Ҳисобланган фойда солиғи суммасига:

Дебет – 9810-"Фойда солиғи бўйича харажатлар" счёти 227 230 911 сўм.

Кредит – 6410 "Бюджетга фойда солиғи бўйича тўловлар бўйича қарзлар " счёти 227 230 911 сўм.

Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлар ҳисобга олинди:

Дебет – 6410-"Фойда солиғини бўйича қарздорлик" 148 950 000 сўм

Кредит –4410-"Фойда солиғини бўйича бўнак тўловлари" 148 950 000 сўм

Ҳисобланган фойда солиғи бюджетга тўланди:

Дебет – 6410 "Бюджетга фойда солиғи бўйича тўловлар бўйича қарзлар " счёти 78 280 911 сўм.

Кредит –5110 "Ҳисоб китоб" счёти 78 280 911 сўм.

Юқорида келтирилган бухгалтерия ёзувларни МХХС талабларига мослаштиришни талаб қилади.

"12-сон БҲХСнинг мақсади фойда солиқларини ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат". Мазкур стандарт, шунингдек, фойдаланилмаган солиқ зарарларидан ёки фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан келиб чиқадиган кечиктирилган солиқ активларини тан олишни, фойда солиқларини молиявий ҳисоботда акс эттиришни ва фойда солиқларига тегишли маълумотларни ёритиб беришни қамраб олади¹²⁴.

¹²² 15-сон МХХС «Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум». 2023.

¹²³ муаллиф томонидан тайёрланган.

¹²⁴ 12-сон БҲХС "Фойдадан солиқлари". 2023.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистонда молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини жаҳон андозалари даражасига чиқаришнинг ягона йўли бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимиз иқтисодийотининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилишдан иборатдир.

Мавжуд бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради.

Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислохатлар натижасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш бўлди. МҲХСга ўтиш фойдани солиққа тортиш механизмига ҳам таъсир кўрсата бошлади.

Юқорида қайд этилган таклифларнинг амалга оширилиши республикада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойда солиғи бухгалтерия ҳисобининг такомиллашувига, молиявий ҳисоботда маълумотларининг ишончилигини оширади.

Адабиётлар/ Литература / Reference:

Asen, E. (2019) *Corporate Tax Rates around the World, 2019*. *taxfoundation.org*, December 10, 2019.

Block J. (2021) *Corporate income taxes and entrepreneurship // IZA World of Labor*.

Гончаренко, Л.И. (2019) *Налоги и налоговая система Российской Федерации: учебник / Л. И. Гончаренко. — учебник и практикум для бакалавриата. — 2-е изд., пер. и доп. — М.: Издательство Юрайт, — 524 с.*

Ильин А.Ю. (2021) *Налог на прибыль организаций: актуальные вопросы налогообложения. — М.: Проспект, — с. 4.*

Каримов А.А, Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Имамова Н.М. (2020) *Бухгалтерия ҳисоби: халқаро молиявий ҳисобот стандартлари / Дарслик – Т.: «MOLIYA», 310 б.*

Пансков, В.Г. (2019) *Налоги и налогообложение: теория и практика в 2 т. Том 1: учебник и практикум для академического бакалавриата / В. Г. Пансков. — 6-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 363 с.*

Пашаходжаева Д.Дж. (2023) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт талаблари асосида фойда солиғи ҳисобини юритиш масалалари. Buxgalteriya hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish masalalari // Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (Iqism). 2023 yil 02-nayabr. Samarqand, SamISI, 232 – bet.*

Пўлатов Х.Ў., Абдуганнаров Ш.А. (2022) *Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида фойда солиғининг ҳисоблашнинг ўзига хослиги. ЖУРНАЛ. Экономика и социум.5 (96).-1.*

Ризаев Х. (2022) *Ўзбекистон Республикасида 12- “Фойда солиқлари” МҲХСини қўллаш жараёнидаги муаммо ва ечимлар. ЖУРНАЛ. Экономика и социум.11 (102).-2.*

Ташназаров С.Н. (2019) *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. -Т.: 31-бет.*